37 (587)
2007 йил 12 сентябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Зиёратда кўнгилларга зиё инди...
▶ Сарҳисоб — фаолият кўзгуси

3
▶ Далолнинг қаллоблиги фош бўлди
▶ Икки болакай ва бир самолёт воқеаси

4
▶ Дўст учун ўзни пинҳон қурбон эт!
▶ «Пилдираманинг ёнида манграмани еб кетди...»

Ҳисобот-саайлов конференциялари

ҲИСОБОТда ФАОЛИЯТ ЭЪТИРОФИ

айни кунларда "Маҳалла" жамғармаси бўлимларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муҳим ислоҳотлар самараси ўлароқ дунёда ягона, ўхшаши бўлмаган ўзини ўзи бошқариш тизими — фуқаролар йиғинлари фаолияти йўлга қўйилди. Ўз навбатида ана шу ўзини ўзи бошқариш идораларининг ишини мувофиқлаштириш, фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Президентимиз Фармони асосида "Маҳалла" хайрия жамғармасининг ташкил этилиши ҳам мустақиллик даврида эришган энг муҳим ютуқларимиздан бири ҳисобланади. Жорий йилда жамғарманинг ташкил этилганига ўн беш йил тўлади. Ҳа, бутун жаҳон катта қизиқиш билдираётган маҳалла институти ҳаётимиздан тобора чуқурроқ ўрин эгаллаб бормоқда. Зеро, маҳалла инсонийлик ва миллий қадриятларимизни ўзида мужассамлаштирган, юрт тинчлиги, ободлиги, жамият тараққиёти, инсонларнинг шакланиб камол топишида муҳим ўрин тутадиган маънавий-ахлоқий тарбия ўчоғидир. Айни кунларда жойларда бўлиб ўтаётган "Маҳалла" жамғармаси бўлимларининг беш йиллик фаолияти муҳокамасига бағишланган ҳисобот-сайлов конференцияларида ҳам ушбу эътирофлар такрор-такрор тилга олиняпти. Шунингдек, мазкур йиғилишларда жамғарма бўлимларининг ушбу давр мобайнида эришган ютуқлари, амалга оширган ишларининг самараси ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар хусусида ҳам сўз юритиляпти.

Давоми 2-саҳифада ⇨

Президентимиз маърузасини ўқиб...

Қашқадарё вилояти

ИСЛОҲОТЛАР ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА

Истиқлол йилларида амалга оширилган ишлар сарҳисоби буни яна бир карра тасдиқлади

Муҳтарам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг юртимиз мустақиллигининг 16 йиллик санасига бағишланган қўшма мажлисида қилган маърузасини ўқиб истиқлол йилларида бунёдкор ва меҳнаткаш халқимизнинг Юртбошимиз раҳнамолигида дарҳақиқат мазмун-моҳияти асрларга татигулик катта ва муҳим ишларни бажарганлигини янада теран англадим. Аминманки, маъруза билан танишган ҳар бир холис фикрли инсон бунга қалбан иқрор бўлади. Қолаверса, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида биз босиб ўтган машаққатли, лекин энг тўғри тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ҳар қандай қалби уйғоқ юртдошимизда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотади. Бу туйғу ҳар биримизни "Ким эдигу, ким бўлдик?" деган саволга жавоб беришга, мулоҳазага чорлайди.

Яқинда никоҳ тўйи бўлиб ўтган Тошкент вилояти Зангиота туманилик Назокат ва Дониёр Иноғомовлар ҳам ёш оилалар учун белгиланган имтиёзлардан баҳраманд бўлишди.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Президентимиз алоҳида қайд этганларидек, "мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш" зарургина бўлиб қолмай, биз қаламкашлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Президентимиз маърузасини тинглагач, бошдан дўппини олиб қўйиб мулоҳаза юритадиган масалалар, ўй-фикрлар талайгина эканлигини дилдан ҳис этасан, киши. Ҳа, бугунги демократик янгиланишлар, барқарор ривожланаётган иқтисодиёт элтувчи катта йўлга чиқиб олиш учун нечанеча тўсиқлардан ўтишга, ғовларни синдиришга тўғри келмади, дейсиз?! Қийинчиликлар бўлиши ва шунинг билан бирга, йўлимиз порлоқ, мақсадларимиз муштарак эканлиги ҳам аниқ эди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил янги давлат, янги жамият пойдевори мустаҳкам бўлишидан, истиқлол қуёши абадий порлашидан далолат берарди. Шундай бўлди ҳам. Зеро, Юртбошимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётини ва жамиятимизни энг мураккаб ўтиш даврида ислоҳ қилишнинг кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини муҳофаза этишга асосланган самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Кўмакка муҳтож фуқароларни, эҳтиёжманд оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлмиш маҳалла институти имкониятлари ишга солинди ва ҳеч муболаға йўқки, бу чора-тадбирлар ўзини оқлади.

Ўн олти йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган қай бир ислоҳот ёки янгиланишни таҳлил этмайлик, кўзланган мақсад халқ фаровонлиги, мустақил юрт тараққиёти, "Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун" деган ғояга хизмат қилиш эканлиги яққол аён бўлади.

Узоққа бормай, жорий — Ижтимоий ҳимоя йилининг айни кунларига қадар

Ҳисобот-сайлов конференциялари

ҲИСОБОТДА ФАОЛИЯТ ЭЪТИРОФИ

айни кунларда "Маҳалла" жамғармаси бўлимларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Бухоро вилояти

Айтиш жоизки, ўтган беш йил давомида вилоятда ўзини ўзи бошқариш органлари сони 179 тага етди. Жамғарма бўлимининг хайрия тадбирлари учун сарфлаган маблағлари миқдори ҳам, ундан манфаатдор бўлаётган фуқаролар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2002 йилда бўлим томонидан хайрия тадбирлари учун 11 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, 2007 йилнинг биринчи ярмига келиб бу миқдор 8 миллион 177 минг сўмни ташкил этган. Бундан ташқари, маҳаллалар фаолияти ва болалар спортини ривожлантириш мақсадида 2003 йилда 7 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлангани ҳолда бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган даврида 21,5 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг амалга ошираётган хайрли тадбирлари кўлами нақадар кенгайиб бораётганини тасдиқлаб турибди.

Шу билан бирга барча фуқаролар йиғинлари қошида ҳашар йўли билан спорт майдончалари ташкил этилди, улардан 200 га яқини қайта таъмирланди. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тизим фаолиятига доир кўрик-танловлар ҳамда мусобақалар орқали жамғарманинг вилоят бўлими минг-минглаб фуқаролар орасига кириб бормоқда. 291 нафар яккаёлғиз, кам таъминланган ва ногирон фуқароларнинг уй-жойлари таъмирланди, 50 нафар фуқарога бир бошдан қорамол ҳадя қилинди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳам талай эканлиги таъкидланди. Жумладан, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида маҳалла марказлари қурилиши борасидаги ишлар ҳалигача ниҳоясига етказилгани йўқ.

Конференция ишида сўзга чиққанлар маҳалла оқсоқолларининг фаоллигини, билим ва малакасини ошириш, уларда бозор иқтисодиёти муносабатларига мос бошқарув кўникмаларини шакллантириш, маҳаллаларда ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш каби вазифалар хусусида ҳам атрофлича фикр юритдилар.

Конференцияда бўлим бошқарув ҳайъати раёсати ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тузилиб, Б.Жумаев бўлим бошқаруви раиси этиб қайта сайланди.

* * *

Андижон вилояти

Маҳалла фуқаролар йиғинлари эндиликда турмушимизнинг деярли барча жабҳаларида ўз фаоллигини намойиш қилмоқда. Жумладан, вилоятдаги шаҳар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бугунги кунда аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган идорага айланди.

Бу ўзини ўзи бошқариш идораларига, унинг мутасадди ва ходимларига нисбатан аҳолининг ишончи ортиб бораётганидан далолатдир. Айниқса, бу фаолият шаҳар ва қишлоқларнинг ободлиги, фуқаролар турмуши фаровонлигига эришиш ҳамда маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ишларда йиғин фаолларидан ғайрат-шижоат талаб қилмоқда.

Ҳисобот-сайлов конференциясида бўлим раиси Ўктамжон Ҳайдаров, маҳалла фаоллари ҳамда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакили Нуриддин Холиқназаров, вилоят ИИБ ходими Козимжон Йўлдошев ва бошқалар шу пайтга қадар маҳаллаларда турли соҳаларда эришилган ютуқ ва камчиликлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди. Конференцияда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов ва вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзурахон Эгамова ҳам иштирок этди.

Конференцияда бўлим бошқарув ҳайъати раёсати ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тузилиб, Ў.Ҳайдаров бўлим бошқаруви раиси этиб қайта сайланди.

* * *

Сурхондарё вилояти

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг ҳисобот-сайлов конференциясида бўлим томонидан 2002-2007 йиллар мобайнида бажарилган вазифа, кўрсатилган ташаббус ва эришилган натижалар тўғрисида бўлим раиси Эркин Кўчкинов ҳисобот берар экан, бугунга келиб фуқаролар ўз муаммолари юзасидан бошқа юқори ташкилотларга эмас, айнан маҳалла фуқаролар йиғинларига мурожаат этиб, уларга шу ерда ечим топаётгани ва ўз қувончу шодликларини маҳалла билан баҳам кўраётганига алоҳида урғу бериб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси О.Соатов ҳамда туман ҳокимликлари вакиллари маҳалла фуқаролар йиғинларининг келгусидаги режалари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, конференцияда жамғарма вилоят бўлими бошқарув кенгашининг 33 нафар кишидан иборат таркиби қайта тузилиб, Э.Кўчкинов бўлим раиси этиб қайта сайланди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Н.Абдуллаев ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобуловалар ҳам иштирок этишди.

МУХБИРЛАРИМИЗ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Миллий маданиятимиз ва маънавиятимизни қадрлаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирларимиздан яна бири турли тантана, тўй ва маросимларни ўтказишда дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйилишининг олдини олишдир. Ушбу йўналишдаги тадбирлар самараси ўлароқ, миллий маънавиятимизга номуносиб бир қатор маросимларга чек қўйилди, маҳалладошлар моддий неъматларни ўзаро саховат ва мурувват кўрсатишдек хайрли ишларга сарфлаш афзалроқ эканини яхши англаб етмоқдалар.

Маҳаллалар фаолиятида аҳоли ижтимоий муҳофазаси муҳим ўрин тутади. Шу боис жойлардаги ёрдамга муҳтож кишиларга мунтазам равишда моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда. Жумладан, 2006 йили "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳр-мурувват ишларига 3 миллиард 821 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунингдек, турли байрамлар муносабати билан эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлар кўмагида 4,5 миллиард сўмликдан зиёд мурувват ёрдами кўрсатилди. "Саховат", "Мурувват" ва "Меҳрибонлик" уйларининг моддий-техника базасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида ҳомийлик маблағлари ажратилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда маҳалла имкониятларидан янада кенг фойдаланилмоқда. Бунда Президентимизнинг жорий йил 23 январда қабул қилинган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Жамғармамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, унинг муҳтож тоифаларига, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш учун муҳим вазифалар белгиланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Жойларда фуқаролар йиғинлари томонидан кам таъминланган оилаларга, ишламайдиган оналарга фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилганлик учун ҳамда кўп болали оилаларга бериладиган нафақаларни адолатли тақсимлашда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳр-мурувват ишларига жами 20,8 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, шундан 1,3 миллиард сўми бевосита "Маҳалла" хайрия жамғармаси улушига тўғри келди.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самараларидир.

ЎзА мухбири.
Турсунбой БОТИРБЕКОВ ёзиб олди.

Бор бўлсин ҳомийлар!

Андижон вилояти

ЯНГИ ТАРМОҚ ТАЪМИНОТНИ ЯХШИЛАДИ

Қорасув шаҳридаги Аскар пичоқчи маҳалласида ичимлик суви таъминотида узилишлар юзага келган эди. Маҳалла аҳли ташаббуси билан тўрт юз метр узунликдаги янги сув тармоғи тортилиб, оби ҳаёт таъминоти яхшиланди. Бу хайрли ишда тадбиркор Абдумўмин Юсупов маҳалладошларига бош-қош бўлди. Янги сув йўли учун қувурларни олиб келишга ёрдам қилди, сарф-ҳаражатларнинг бир қисмини тўлади ҳам.

— Агар маҳалладошлар аҳил бўлса, кўп муаммоларни осонликча ҳал этиш мумкин, — дейди Абдумўмин. — Биз бир неча йилдан буён кўпгина масалаларни маҳалладошлар кўмаги билан ҳал этиб келяпмиз. Ўтган йили шаҳримизнинг чегара ҳудудида яшовчи аҳоли янги жойларга кўчирилди ва натижада янги — Мустақиллик маҳалласи пайдо бўлди. Ана шу янги маҳалла ҳудудида жойлашган хўжаликдардан бирида Ҳамробоевлар бир ҳовлида тўрт оила бўлиб яшашарди. Янги маҳалла барпо этилиши билан уларга учта алоҳида ер майдонлари ажратиб берилди ва иккита уй ҳомийлар маблағи ҳисобидан, яна бир уй эса ноҳадон эгалари томонидан қуриб битказилди. Бундан ташқари, ҳимматли тадбиркор ҳудуддаги боқувчисини йўқотган, кам даромадли, серфарзанд оилалардан ўз ёрдамини дариғ тутмайди.

Абдумўмин Юсупов маҳалладошларига нафақат саховатпеша инсон, балки намунали оила бошлиғи сифатида ҳам ўрнак бўлиб келмоқда. У турмуш ўртоғи Каримахон билан беш нафар фарзандни ўқимишли, жамиятга фойдаси тегадиган кишилар қилиб тарбиялади.

— Маҳалламизда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз ниҳоятда кўп, — дейди тадбиркор. — Юртимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрам тантаналари арафасида шаҳримизнинг маданият ва истироҳат боғида янги спорт мажмуи қад кўтарди. Унинг атрофи ободонлаштирилган, чиройли гулзорлар барпо этилган. Биз барча маҳаллалардаги кўча ва йўлларнинг ҳам ана шундай гўзал ва файзли бўлиши учун ҳаракат қиляпмиз.

Шер АЛИ

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли».

Қорақалпоғистон Республикаси

Элликқалъа туманида халқ хўжалигининг барча жабҳаларида тараққиёт, янгиланишлар юз бериши билан ҳудудда моддий тўкисликка эришиб, бунинг ҳисобидан хайрли ишларга бош қўшаётган ҳомийлар, саховатпеша инсонлар сафи ҳам кенгаймоқда.

ОВУЛДАГИ ТАШАББУС

Тумандаги Навоий номли овул фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам йил дастурида белгиланган вазифалар ўринлатиб бажарилмоқда. Жумладан, 7 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилинди. 9 нафар ногирон, боқувчисини йўқотган оила вакилларининг эса имтиёзли кредитлар олишига замин яратиб берилди.

Элимизда саховатпеша инсонлар кўп. "Эл жаннат қуши" иссиқхонаси жамоаси ҳам шундайлар сирасидан. Улар томонидан кам таъминланган оилаларга 1,5 тонна бодринг, помидор ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари бепул етказиб берилгани бунга яққол мисол.

Овул фуқаролар йиғини ҳудудида аҳолини иш билан таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда 12 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари иш бошлади. 3 та сартарошхона, 4 та енгил автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси фойдаланишга топширилиб, 18 киши иш билан банд бўлди.

Шунингдек, айни пайтда тадбиркорлар томонидан овул гузарида тўйхона қуриш ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Йил дастури ижроси — амалда

САФАР ОЛИСУ, КЎНГИЛЛАР ЯҚИН БЎЛДИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

"Самарқанд — сайқали рўйи замин аст..."

2750 йиллигини нишонлаш арафасида турган Самарқанди азиз бўйлаб саёҳатимиз улуғ фалакиётшунос олим Мирзо Улуғбек Кўрагоний музейи ва расадхонасидан бошланди. Музей илмий ходими Икромиддин Сирожиддиновнинг Улуғбекнинг илмий изланишлари, асарлари, айниқса, расадхонадаги фаолияти ҳақидаги ҳикояси барчада катта қизиқиш уйғотди.



Мирзо Улуғбек музейида

Буюк аждодимизнинг руҳи покига бағишлаб дуолар ўқилгач, қадимий Афросиёб тепалигининг шимолий томонида жойлашган Хожа Дониёр мақбарасига бордик. Зиёратчилар зиёратгоҳдаги булоқнинг шифобахш сувидан ичишди.

Юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк саркарда бобокалонимиз Амир Темур мангу қўним топган Гўри Амир мақбараси ўзининг улуғворлиги билан кишини ҳайратга солади. Бу ерда бўлган киши ўзининг ўтмиш тарихи бой, келажаги ёруғ бир Ватан тақдирига дахлдор эканини қалбан ҳис этади, энтикади. Зиёратдан таъсирланган зиёратчилар Регистон майдонига етгунча бир-бирларига Гўри Амирнинг бунёд бўлиши билан боғлиқ тарихий афсоналарни сўзлаб бордилар. Регистон майдони яқинда бу ерда бўлиб ўтган анъанавий "Шарқ тароналари" VI халқаро мусиқий фестивал муносабати билан байрамона безатилган. Байрам шукуҳи Регистонни ҳали анча вақт тарк этмаслиги аниқ, чунки олдинда Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишланган тўйу тантаналар турибди. Қадимда майдон ўрнида катта канал оқиб ўтгани боис, бу ерда қум жуда кўп бўлган. "Регистон" сўзи форсийдан таржима қилинганда "қумли жой" маъносини англатади. Майдонда Тиллакори, Шердор ва Улуғбек мадрасалари жойлашган. Амир Темур ҳукмдорлиги даврида бу майдон ҳунарманд-усталарнинг тижорат маркази ҳисобланган бўлса, мамлакатни Мирзо Улуғбек бошқарган даврда у шаҳарнинг илм-маърифат марказига айланган. Зиёратчиларнинг Регистон майдонида тушган суратлари уларга бу ердан олган хуш таассуротларини ҳамиша эслатиб туриши аниқ.

Совға эмас, эътибор кўнгилни кўтаради.

"Маҳалла" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими томонидан ташкил этилган бир пиёла чой устида зиёратчиларнинг ҳордиғи чиқди. Бўлим раиси Таҳаберди Қурбонов меҳмонларга хушвақтлик тилади ва ушбу сафардан эсдалик сифатида ҳозирланган совғаларни топширди.

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилгач, имом Муҳаммад ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасига йўл олдик. Ислом оламида беназир асар ҳисобланган "Ал-Жоми ас-Сахих" муаллифи, буюк муҳаддиснинг 1225 йиллик юбилейига бағишлаб бунёд этилган зиёратгоҳ мажмуасида ўзига хос сокинлик, улуғворлик зоҳир эдики, бир неча дақиқа аввал турли ташвишлар домида жонсарак турган барчамиз дарров вазмин тортиб қолдик. Қалбларга хотиржамлик чўкди, оҳиста сўзлашдик бу даргоҳда. Кишининг бу табаррук жойдан кетгиси, узоқлашгиси келмайди. Аср намози адо этилди, қироат билан тиловатлар, муножотлар қилинди. Муборак замин бағридан сизиб чиққан булоқ сувидан ихлос билан, қониб-қониб ичдик. Сувдан елим идишларга ҳам олиб, сафаримизни давом эттирдик.

Йўлимиз орифу фузалолар шаҳри Бухорои шариф томонга эди...

"...Бухорои шариф — дини ислом аст"

Бухорога етгунча зиёратчилар Самарқанд шаҳри таассуротлари билан ўртоқлашиб кетдилар.

(Шу ўринда Тошкентдан йўлга чиққанимиздан буён ҳеч бир киши уй-рўзғордаги кундалик ташвишлар ҳақида эсламагани эътиборимни тортди.) Зиёратчиларнинг аксарияти бунгача на Самарқанд, на Бухорода бўлишмаган экан. Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Иқбол маҳалласи фуқароси 81 ёшли Мастура момо Юнусованинг қуйидаги сўзларини барча маъқуллади:

— Шу ёшга кириб ҳам олисдаги бironта зиёратгоҳга қадамим етмаганди. Минг шукр, Худонинг марҳамати ва яхшиларнинг хайрли амали туфайли не-не улуғ зотлар яшаб ўтган Самарқанддек шаҳри азимни кўрдим, зиёрат қилдим. Ойнаи жаҳонда Самарқандни кўрсатганларида уни ўз кўзим билан кўришни орзу қилардим, лекин бу орзуим ушалади, деб ўйламагандим. Маҳалла идорасидан таклиф билан келишганида, ўғилларим рухсат беришни исташмади: "Онажон, йўл узоқ, ҳолдан тойиб қоласиз" дейишди. Бир амаллаб уларни кўндирдим. Самарқанд телевизорда кўрсатганидан ҳам чиройли экан...

Янгийўл туманидаги Эски қовунчи маҳалласи фуқароси Кўчқор ота Ғаниев эса Бухоронинг таърифини келтирди:

— Бухоро шаҳри ҳам зиёратгоҳлар бобида Самарқанддан қолишмайди. Мен Бухорога анча йилдан бери энди кетяпман. Ўғлимнинг айтишича, шаҳар жуда гўзаллашиб, обод бўлиб кетганмиш...

Шу пайт зиёратчилардан кимдир "Ахир қадимда машҳур шоир "Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухорои шариф дини ислом аст", дея бежизга байт битмаган-да!" деди. Бу ғазални ёзган шоир ҳам, айни дамда ўрнини топиб уни бизга эслатган ҳамроҳимиз ҳам минг карра ҳақ эди, албатта.

Сафар ташкилотчиларидан бири, «Маҳалла» жамғармаси ходими Ғавҳар Алимова сафар давомида қарияларни том маънода қўллаб-қувватлаб турди.

Тунга яқин Бухорога етиб келиб, "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими мутасаддилари етакчилигида Эски шаҳардаги Лаби Ҳовуз яқинидаги меҳмонхоналарга жойлашдик.

Эртаси кун тонгда Бухоронинг тарихий-меъморий обидаларини, табаррук қадамжоларини зиёрат қилишга, бу заминда яшаб ўтган олиму фузалолар, ислом илми мутафаккирлари бутун умрини бахшида этган амалларнинг мазмунмоҳиятини англашга шай ҳолда йўлга тушдик. Дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига бордик. Ул зотнинг волидаи муҳтарамаси, аммалари қабрлари ёнида дуолар ўқиб, сўнг Нақшбанд мақбарасига яқинлашдик. Ширали овоз билан тиловат қилган ёшгина қори йигит бизга Нақшбанд ҳазратлари билан боғлиқ бир ривоятни сўзлаб берди:

Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида

— Соҳибқирон Амир Темур жангу жаддаларнинг бирида кўп талофат кўради. Уч довюрак навкарини Нақшбанд ҳазратлари ҳузурига йўллайдики, токи ул зот ўз дуолари ила саркарда қўшинини маънан қўлласину, яна имкони борича моддий кўмак ҳам берсин. Уч навкар бу ерга етиб келган пайт ҳазрат ҳовузни лойдан тозалаб турган экан. Соҳибқироннинг истагидан воқиф бўлгач, ул зот учала навкарнинг хуржунига ҳовуздан чиқарилган лойдан тўлдириб солади ва навкарларни ортга қайтаради. Йўл олис, навкарлар ҳам, отлар ҳам роса ҳолдан тоядилар. Хуржундаги лойнинг юкидан отлар юролмас даражага етади. Шунда навкарлардан бири "Ҳойнаҳой, ҳазрат бизга бир ҳазил қилдилар. Ахир бу лойни шунча олис жойга элтишдан нима наф бўлсин?" дея хуржунни йўлнинг ярмида бўшатиб олибди. Қолган иккиси бунга жўръат қилолмай, лой тўлдирилган хуржунни ортганча йўлда давом этибдилар. Соҳибқирон ҳузурига еткач, хуржунларни унинг оёғи остига ағдарибдилар. Не кўз билан кўрсаларки, хуржундан лой тўкилармишу, ерга тушгунча олтинга айланар эмиш. Ушанда йўл-йўлакай хуржунини бўшатиб олган навкар ҳазрат иноят қилган моддий кўмакни етказиб келолмагани учун эмас, айнан Баҳоуддин Нақшбанднинг қувваи зоҳирига шубҳа қилгани боис қатл этилган экан...

Ситораи Моҳихоса саройи, Сомонийлар мақбарасидан сўнг зиёрат навбати Бухоро Аркига етди. Аркнинг маҳобатли кўринишидан киши хаёлотида бир-биридан ғаройиб манзаралар гавдаланади, қадимий насимлар уфуриб турган йўлакларда эса бошдан-оёғингизгача ҳайрат чулғаб олганини сезасиз. Қадимий қуроласлаҳаларнинг жаранг-журунгини, жарчининг чорловию от-аравларнинг тош йўлда берган ас-садосини эшитгандек бўласиз гўё...

Кун пешиндан оққан, шу ўринда сафаримизга якун ясаб, Тошкент сари йўлга тушмоғимиз лозим эди. Лаби Ҳовуздаги шинам чойхонада жамғарманинг вилоят бўлими томонидан меҳмоннавозлик билан ёзилган тўкин дасторхон атрофида жамландик. Бухоро вилояти С.Айний номли мусиқали драма театри раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўллиев ва бир гуруҳ санъаткорларнинг иштироки ушбу тадбирга байрамона руҳ бағишлади. Ҳатто бу шаҳри шарифни томоша қилиб юрган хорижлик сайёҳлар ҳам Бухоронинг хушовозлари ижросидаги мумтоз куй-қўшиқлардан завқландилар. Жамғарма бўлими раиси Беҳбуд Жумаевнинг самимий тилакларидан кўнгиллар тоғдек кўтарилди. Мезбонлар билан хайрлашиб, пойтахтни қора тортиб йўлга тушдик.

Йўл олис, зиёратчиларнинг суҳбати қизигандан-қизиди. Бир-бирларига яшаш манзилини айтиб, борди-келди қилишга аҳдлашганлар ҳам бўлди. Олис сафар кўнгилларни яқинлаштиради, деганлари рост экан.

— Учинчи гуруҳ ногиронман, битта фарзандим бор, — дейди Тошкент вилояти Тошкент тумани Келес шаҳарчасидаги Кўктерак маҳалласилик Зулфия Маҳмудова. — Қийинчиликларга тўла ҳаётимда энг кўп яхшилик, рўшноликни маҳалладан, маҳалладошларимдан кўрдим. Бу сафардан сўнг дунёда яхшилар ёмонлардан анча кўп эканига имоним комил бўлди.

Сафардан қайтар эканмиз, ҳамроҳларимнинг юз-кўзида шукроналик, хотиржамлик балқиб турганини кўрдим. Бу нафақат ушбу сафарда иштирок этганлик шукронаси, балки истиқлол йилларида шахсан Юртбошимиз раҳнамолиги остида буюк аждодларимиздан мерос маънавий-маданий, диний қадриятларимизнинг том маънода қадр топаётганига шукроналик ҳам эди. Хотиржамлик эса кўзимизнинг оқу қораси — ёш авлоднинг ҳам қадри тикланган қадриятларимизга чексиз ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишига ишончимиз комиллигидан эди. Зеро, қадрияти тикланган элнинг ҳамиша қадди тик бўлажак, дея донишмандлар бежизга таъкидламаганлар.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Тошкент.

Суратларни Р.Ҳайитов, Ж.Набиев ва Ҳ.Аҳиев олган.

Қашқадарё вилояти

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БЕЛЛАШУВИ

Қарши шаҳрида "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Йил аёли" республика миллий кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган аёллар беллашдилар. Иштирокчилар бадиий санъат, ҳунармандчилик ва эркин мавзу шартлари бўйича куч синашишди.

Танлов натижаларига кўра, Қарши туманидаги Ғубдин қишлоғи вакили Гулжамол Пирова ғолиб деб топилди. Ёш уй бекасининг миллий ҳунармандчилигимиз анъаналари асосида яратган буюмлари, турли-туман пишириқлари, рўзғор юритиш маданияти, айниқса, фарзанд тарбияси борасидаги ибратли ишлари нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Оиланинг тўнғич фарзанди Шуҳратжоннинг шарқ яккакураши усулларини маҳорат билан намойиш этиши, Дилнозанинг дутторда чертган шўх наволари, миллий ва жаҳон халқлари мусиқаларига жажжи Шаҳнозанинг маромига етказиб раксга тушиши томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Кўрик-танловнинг барча иштирокчиларига "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмасининг сертификатлари топширилди.

МУХБИРИМИЗ

Бандлик муаммоси ечими

Андижон вилояти

ЯРМАРКАДА ТАКЛИФ, КОРХОНАДА ИШ

бундай имконият Қўрғонтепада ишсизлар сонининг камайишига хизмат қиляпти

Нилуфар Жалилова шаҳардаги иқтисодиёт коллежини тамомлаб, деярли бир йил давомида ўзига маъқул иш топа олмай юрган эди. Маданият ва истироҳат боғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилаётганидан хабар топиб, дипломининг нусхасини олиб ўша ерга борди.

— Сиз каби мутахассисларга бугун ишлаб чиқариш тизимида эҳтиёж катта, нега шу пайтгача ишга жойлашмадингиз? — деди туман бандликка кўмаклашувчи марказ директорининг ўринбосари Носиржон Ҳайдаров Нилуфарнинг ҳужжатларини кўздан кечирар экан. У эса дипломни олгач, икки-уч идорага бориб кўргани, бироқ ўзига муносиб иш топилмаганини айтди.

Нилуфар шу куннинг ўзидаёқ "Қўрғонтепа дон маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятининг ҳисоб-китоб бўлимига ишга юборилиб, ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланди. Ундан ташқари, ярмаркага иш сўраб мурожаат қилган яна уч юз нафар кишидан қарийб икки юз нафари тумандаги саноат корхоналари, ташкилот, муассаса ва фирмаларда ишлаш учун йўлланмалар олишди.

— Йил бошидан буён беш маротаба ана шундай бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказишга муваффақ бўлдик, — дейди Қўрғонтепа туман бандликка кўмаклашувчи марказ директори Бахтиёр Қорабоев. — Ярмаркаларда салкам ўттизта корхона ва ташкилотлар тўрт юздан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Дарвоқе, марказ мутахассислари жорий йил бошидан эътиборан мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафидан захирага бўшатилган саксон нафардан зиёд ёшларни ишга жойлаштириш билан ҳам жиддий шуғулланишмоқда. Хусусан, айни пайтга қадар уларнинг ўттиз нафардан ортиғи марказ йўлланмаси билан фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилди.

Маҳаллий бошқарув органлари ва марказ ҳамкорлигида олиб борилаётган асосий ишлардан яна бири жазони ўташ жойларидан қайтган фуқароларни ишга жойлаштиришдан иборат бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 52 нафар фуқаро жазони ўташ жойларидан озод этилиб, ўз уйларига қайтишди. Албатта, уларни кутиб олиб, реабилитация даврини ўташларига ёрдам кўрсатиш керак эди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, ички ишлар бўлими ва марказ ходимлари бу борада фаол иш олиб бордилар. Натижада уларнинг деярли ярми меҳнат нозирларининг йўлланмаси билан ишга жойлаштирилди. Қолганларига ҳам зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда.

— Маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари бизнинг энг яқин ҳамкорларимиздир, — дейди марказ раҳбари суҳбатимиз сўнгида. — Чунки улар маҳалласида яшайдиган ҳар бир фуқаро ҳақида бизга қараганда кўпроқ маълумотга эгалар. Ҳамкорликда иш олиб боришимиз натижасида жорий йил бошидан буён бизга иш сўраб мурожаат қилган 1908 нафар кишининг 1455 нафари доимий иш билан таъминланди. Уларнинг қарийб ярми аёллардан иборат. 158 нафар фуқарога "ишсиз" мақоми берилди, ўттиз беш нафари касб-ҳунар ўрганишга ва эллик нафари жамоат ишларига жалб этилди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

Маҳалладош ибрати

ОҚСОҚОЛнинг ФАХРИЙ УСТОЗИ

Маҳалламиз Юнусобод туманида жойлашган. Фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи аҳоли ўзаро меҳр-оқибатли, аҳил-иноқ турмуш кечиришади. Маҳалламизда бундай муҳитни вужудга келтиришда, унинг ҳудудидаги жамоатчилик масканлари, хусусан, маҳалла гузарининг сўлим гўшага айланишида Зариф ота Йўлдошевнинг хизмати беқиёс.

Зариф ота узоқ йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасида, юқори лавозимларда ишлаган. Кейинчалик у Бодомзор маҳалласи фуқаролар йиғинида 15 йил давомида раислик қилиб, бу соҳада ҳам катта тажриба тўплади. Эсимда, камина маҳалламизга оқсоқол этиб тайинланган дастлабки йилларда кўпгина маҳалла оқсоқолларига устоздек бўлиб қолган бу кишининг маслаҳатлари жуда қўл келган. Негаки, аҳоли билан ишлаш осон эмас, қолаверса, оқсоқолларни тайёрлайдиган ўқув масканининг ўзи йўқ. Шу боис ёш оқсоқоллар фаолиятида Зариф отага ўхшаган фахрийларнинг тажрибаси асқотиши табиий.

Жумладан, маҳаллада жамоат тадбирларини уюштириш, кишиларни меҳр-оқибатли бўлишга чақириш, ободонлаштириш ишларига жалб этиш, тўй-маъракаларни имкон қадар камхаржроқ ўтказишда, энг муҳими, ёшлар тарбиясида катта тажриба тўплаган бу инсон ҳозирда маҳалламизда яраштириш комиссияси раиси. Оилавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги самарали фаолияти натижасида ҳудудимиздаги эр-хотинлар ўртасида ажримлар деярли кузатилмайди.

Дарвоқе, Зариф ота айни пайтда 80 ёшни қарши олягти. Бироқ маҳалла ишидаги жонбозлиги, ташаббускорлигини асло сусайтиргани йўқ. Шу боис бу ерда яшовчи каттаю кичик Зариф отадан доимо маслаҳат, йўл-йўриқ сўраб туришади.

Шукрулла УМАРОВ,
Бодомзор маҳалласи оқсоқоли.

Олам турфа

ОТЛАР... ИЗЗАТДА, ОДАМЛАР ХИЗМАТДА

Голландияда неча йилдирки, "Отлар куни" нишонланади.

Шу куни кўчаларда катта байрам бўлиб, отларнинг ёлларига ва думига ҳар хил рангдаги ленталар тақилади, чиройли гуллар билан безатилади. Байрам куни отлар умуман ишлатилмайди. Улар иззатда бўлади, яъни кумуш лаганларда энг хушхўр таомлар билан сийланади.

ФАЛОКАТ ЮЗ БЕРМАДИ

Норвегиянинг кичик шаҳрида балоғатга етмаган икки бола аэроклубнинг ёзги майдонига ўтиб, тўрт ўринли енгил самолётга чиқиб олди. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, мурватларни бурай бошладилар, самолёт тўсатдан осмонга кўтарилди.

Болалар аввалига қўрқишмади, лекин ҳаво лайнери гоҳ тепага, гоҳ пастга қараб силкина бошлаганда, болаларгина эмас, ерда туриб уларни кузатаётган катталар ҳам хавотирландилар. Болакайлар бахтига самолёт аста-секин пастга туша бошлади, қаноти ерга урилиб тўхтади, бу пайтда унинг ёқилғиси тугаганди.

Эътибор ва эътироф

Бухоро вилояти

БЎСТОНДА ОБОД МАЙДОН

бу ерда қишлоқ ёшлари спорт билан шуғулланишмоқда

Олот тумани ҳокимлиги томонидан болалар спортини ривожлантириш ҳамда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги Чорбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Бўстон қишлоғида спорт майдончасини барпо этиш учун ер майдони ажратилган эди.

Ишлаб чиқилган режа асосида мазкур майдонни ободонлаштириш ишлари дарҳол бошлаб юборилди. Ер майдони текисланиб, 300 тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Футбол ва волейбол майдончалари белгиланиб, чизиқлар тортилди ва устунлар ўрнатилди. Уларга ранг берилиб, футбол ҳамда волейбол тўрлари осилди. Майдонча атрофлари ва йўлакчалар бегона ўтлардан тозаланди.

Спорт майдончасини бунёд этишда бўлинмамиз билан бир қаторда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими, Чорбоғ қишлоқ фуқаролар йиғини, туман Машина трактор парки акциядорлик жамияти ҳамда Қоракўл автомобил йўлларидан фойдаланиш бўлими ташкилий ва амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатишди. Шунингдек, тадбиркор У.Раҳматов ҳам бу борада ташаббус кўрсатиб, қишлоқ фаоллари ва ёшларини жалб қилган ҳолда ҳашарлар уюштирди.

Яқинда ушбу спорт майдончасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ташкилотчилар ва туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда қишлоқ аҳли иштирок этишди.

Тадбирда байрамона дастурхон безатилиб, туман маданият уйи ҳаваскорлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Б.ВАҲОБОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Олот тумани бўлинмаси раиси.

Тошкент вилояти

Эрта тонгда янграган карнай-сурнай садоси Юқори Чирчиқ туманидаги Дўстлик маҳалласи аҳлини тўйга чорлади. Бу ерда кам таъминланган оилаларнинг уч нафар фарзандига бўлинмамиз ҳомийлигида суннат тўйи ўтказилди. Туман ҳокими Р.Ортиқов тўйга тўёна билан келди, тўйболаларга совға-саломлар улашди.

ДЎСТЛИКда ХАТНА ТЎЙИ

— Маҳалламизда хайрия тадбирларини тез-тез уюштириб турамиз, — дейди йигирма йилдан буён маҳаллага бошчилик қилиб келаётган Мукаррам Исмоилова. — Бундай тадбирларни ташкил этишда тадбиркорлар, фермер ва саховатпеша маҳалладошларимизнинг беминнат ёрдамларига суянамиз.

Меҳмонлар тўйдан кўнгиллари тоғдек кўтарилиб қайтдилар. Айниқса, шодиёнанинг ажойиб завқи тўйболалар Расулбек, Русланбек ва Мирикромларнинг қалбида бир умр сақланиб қолиши аниқ.

С.ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Маҳалла" жамғармаси Юқори Чирчиқ тумани бўлинмаси маслаҳатчиси.

Воқелик ва муносабат

ДАЛЛОЛми ё ҚАЛЛОБ ми?

Бир танишим билан ижарага уй қидириб, пойтахтимизнинг қоқ марказига ёндош жойлашган "Уй бозори"га чиқдик. Сир эмас, кўпчиликка таниш бу бозорча кейинги пайтларда ижарага ёки сотиб олиш мақсадида турар-жой қидирган кишиларнинг оғирини енгил қиладиган гавжум масканга айланган. Аммо бу ердаги баъзи кўнгилсизликлар бизнинг диққатимизни тортди.

Соддагина бир йигит уй даллоли("маклер") билан ижарага таклиф қилинаётган уй хусусида гаплашяпти. Йигитнинг гап-сўзларидан яқиндагина талаба бўлиб шаҳарга келгани кўриниб турар эди. Афтидан, ижара нархи унга ончалик маъқул келмади:

— Уй шаҳарнинг чеккароғида экан. Нархи нега бунча қиммат, ака? Сал арзонроқ бўлмасмикан?

— Бу сенинг қишлоғинг эмас! Буни шаҳар деб қўйишибди!.. — даллол шундай деб, терс бурилганча, нари юрди. Унинг кўпол муомаласидан харидор йигит ноқулай ҳолатга тушиб қолди.

Бундай вазият ҳар қандай одамни ҳам мулоҳазага ундаса керак. Бундоқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, уй даллоли эҳтиёжи бор инсонларнинг пули эвазига хизмат кўрсатадиган шахс. Бозор эса кўпчилик келадиган жамоат жойи. Шундай экан, бу ерда даллолларнинг харидорлар билан кўпол муомалада бўлишини қандай хазм қилиш мумкин?!

Шу каби мулоҳазаларни ўйлаб турар эканман, бир воқеа эсимга тушди. Қишлоғимизда ёши олтмишни қоралаб қолган кекса чўпон бор эди. Баҳорнинг серёғин кунларида енгил машинасини ўтарга элтиб қўяр, борди-ю ёмғир ёғиб қолса, сурувдан қўзичоқларни тутиб, уларнинг усти хўл, лой бўлишига қарамай, машинасига солиб, ёмғир тингач, яна қўйиб юборар эди. Биз унга бир гал машинанинг ўриндиқлари лой бўлиб кетди-ку, қўзичоқларни солиб нима қилардингиз, десак, у шундай жавоб қайтарган эди: "Шу қўзичоқлар туғилмаганида, уларни эҳтиётлаб парваришламаганимда, машина қаёқда эди, болам! Ҳаммаси шу жониворларнинг орқасидан бўлса-ю, мен уларни асраш учун машинамни аярмидим?!"

Ҳа, кекса чўпонларда ҳикмат кўп, деб бежизга айтишмаган экан. Уй даллолларининг даромад манбаи ана шу харидорлар бўлса-ю, тағин улар уй қидириб келганларга кўпол муомалада бўлишса, ахир бу қайси бир мезонга, мантиққа тўғри келади?!

Шу орада бир аёлнинг жанжал кўтариб, бақириб-чақираётгани қулоққа чалиниб қолди. Унинг гапларидан тушунишимча, ундан қайсидир даллол йигит ижарага қўйилган уйнинг манзилини бериш эвазига пул олган-у, аммо манзилни нотўғри берган. Аёл уйни қидириб қанча овора бўлгани, йўлга пул сарфлагани ва манзилни бергани учун тўлаган пулини қоплашини йигитдан талаб қилаётган эди.

Ёнимиздаги харидор аёл бизнинг ҳайрон бўлиб турганимизни кўриб, изоҳ берди:

— Ҳа, ҳақини талаб қилиб тўғри қилади. Ҳозир бундай қаллоб маклерлар кўпайиб кетди. Ижарага қўйилган уйларнинг телефон рақамини эълонлар газетасидан олиб, уй қидирганларга, бу танишимнинг уйи, деб рақамни пуллаётганлар ҳам бор.

Бозорчадан кўнглимиз бироз хижил бўлиб қайтдик. Тўғри, бу ерда турар-жой савдоси йўлга қўйилгани жуда яхши. Бироқ шунга мос равишда хизмат кўрсатиш ҳам яхшиланса, хусусан, қаллобликларга чек қўйилса, нур устига аъло нур бўлар эди, дея истак билдириб қўйдик.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Ислоҳот самараси

Сурхондарё вилояти

Солиқ тушуми ҳар бир давлат иқтисодиётининг мустаҳкам пойдеворидир. Сабаби, солиқ тушумлари давлат бюджети ҳисобидан фаолият кўрсатадиган ташкилотлар ходимларининг ойлик маоши, пенсия ва турли кўринишдаги нафақа пулларининг белгиланган вақтда тўланишида асосий иқтисодий манба ҳисобланади.

ТЎЛОВ ВАҚТИДА — МАОШ НАҚДИДА

Бойсунда солиқ назоратчилари ҳам, фуқаролар ҳам буни яхши англади

Унинг ўз вақтида ва тўлиқ ундириб олиниши эса бу борада узилишлар бўлмаслигини таъминлайди. Шу боис мустақиллик йилларида мамлакатимизда солиқ тизимини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди. Айни пайтда улар ўз самарасини бермоқда. Буни вилоят, шаҳар ва туман солиқ идоралари фаолиятида кўриш мумкин. Хусусан, Бойсун тумани давлат солиқ назорати идораси жамоаси томонидан сўнгги йилларда бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар, маҳаллий солиқлар ва нақд пул тушумларини таъминлаш борасида намунали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, туман солиқ идораси билан жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилаётгани тизимни янада ривожлантиришга ҳисса қўшяпти.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жамоа томонидан истиқбол кўрсаткичлари 53 фоиз ортиғи билан уддаланди. Шунингдек, бюджетдан ташқари пенсия, йўл, мактаб жамғармалари бўйича белгиланган режаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишига ҳам эрилишилмоқда. Бюджет тўловлари бўйича боқиманда қарзларнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 70 фоиздан 30 фоизга қисқарди. Ўтган йили туманда рўйхатдан ўтказилган ўн тўрт минг нафардан ортиқ жисмоний шахслардан белгиланган миқдордаги ер ва молмулк солиғи тўлиқ ундириб олинди. Йил давомида даромад солиғига тортилган 289 нафар якка тартибдаги тадбиркордан ундириб олинган солиқ миқдори 48886,9 минг сўмни ташкил этди.

Жорий йилда маҳаллий солиқларни йиғиш борасида бажарилган ишлар ҳам салмоқли бўлди. Жумладан, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан ундириладиган пенсия бадали, мол-мулк ва даромад солиғини жамғариш режалари ортиғи билан бажарилди. Айниқса, ер солиғининг олти ой мобайнида 415,4 фоизга бажарилганлиги янада аҳамиятли. Жамоанинг иш унумини оширишда Тошпўлат Ашуров, Сафарали Имомов, Рўзимуҳмад Қурбонов сингари ҳудудий солиқ назоратчиларининг фаолияти алоҳида эътирофга сазовор.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 39 та маҳаллада истиқомат қилаётган 14026 нафар солиқ тўловчилар рўйхатга олиниб, улардан белгиланган тўловлар тўлиқ ундириб келинмоқда. Шуниси эътиборлики, аксарият маҳаллаларда солиқ йиғимларини ундиришда оқсоқоллар ва йиғин фаолларининг ўзлари ташаббус кўрсатишяпти. Бу борада айниқса, тумандаги Пулҳоким, Кофрун, Дуоба маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

— Маҳалламиз фаоллари солиқ назоратчилари билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб, солиқ тўловларини ундиришга кўмаклашмоқдалар. Бу тўғридаги меъёрий ҳужжатларни фуқароларга тушунтириб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беряптилар, — дейди Сариосиё маҳалласи оқсоқоли Рустам Бўриев.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

Янгийўл шаҳридаги 10-мактабда бошланғич синфлар сони кўпайди. Сабаби, янги ўқув мавсумида 205 нафар бола илк бор мактаб остонасидан ҳатлади. Бундай кўрсаткич мактабнинг кўп йиллик тарихида биринчи марта кузатилмоқда. Болажонларнинг билим олишлари учун шарт-шароитлар етарли.

СУРАТДА: *қарийб 36 йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келаётган муаллим Роза Жонбоева кичик ўқувчилар даврасида.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

ТЕНГ ШЕРИКЛИККА ИШ БОШЛАДИК, АММО...

Икки киши бўлиб, тенг шерикликка савдо-сотиқ ишларини юрита бошладик. Ўртадаги келишувга кўра, бу соҳани мукаммал билмаслигим, қолаверса, бўш вақтим ҳам озлиги сабабли мен нисбатан кўпроқ сармоя ажратадиган бўлдим, шеригим эса иш бошқарувчиликни бўйнига олди.

Аммо у кейинги пайтларда ишни қандай юритаётгани, умумий харажатлар ва олган фойдамиз ҳақида менга аниқ маълумот бермасдан, олинган фойданинг бошида келишилган миқдорида пул тўлаб келяпти. Ваҳоланки, шу кунгача ҳисобимиздаги маблағ миқдори ортган ва шунга кўра, келаётган фойда ҳам кўпайган бўлиши керак.

Шеригим иш бошқарувчилигидан фойдаланиб, олди-сотди шартномаларини мендан сир сақлашга ҳақлими?

Жавоб:

ЧЕКЛАШ ҲАҚИҚИЙ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 964-моддасига биноан, шериклар мулк ҳуқуқи асосида эга бўлган, улар томонидан қўшилган мол-мулк, шунингдек, биргаликдаги фаолият натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бундай фаолият туфайли олинган ҳосил ҳамда даромадлар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, уларнинг умумий улушли мулки ҳисобланади...

Ушбу кодекснинг 966-моддасига мувофиқ, ҳар бир шерик, у шерикларнинг умумий ишларини юритишга ваколат олган-олмаганидан қатъи назар, ишларни юритишга доир барча ҳужжатлар билан танишишга ҳақли. Бу ҳуқуқни рад этиш ёки уни чеклаш, шу жумладан шерикларнинг келишуви билан рад этиш ёки чеклаш ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 968-моддасига кўра, шериклар томонидан уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган фойда, агар оддий ширкат шартномасида ёки шерикларнинг бошқа келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шерикларнинг умумий ишга қўшган ҳиссалари қийматига мутаносиб равишда тақсимланади. Шериклардан бирортасини фойдада иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ташаббус бўй кўрсатса...

Тошкент шаҳри

ХУМШ УЧУН КАДРЛАР

Тошкент Архитектура-қурилиш институтида коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда

Маълумки, кейинги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу соҳаларда кутилган натижаларни қўлга киритиш, маҳаллаларда янги ва замонавий коммунал лойиҳаларни яратиш, мавжуд технологиялардан янада самарали фойдаланиш ҳамда маиший хизмат кўрсатишда ижобий ютуқларга эришиш учун малакали кадрлар етиштириш зарурлиги сир эмас.

Шу боис Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг муҳандислик-қурилиш факультетида "Коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш асослари" бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур йўналишга жорий йилда ҳам бир нечта талаба ўқишга қабул қилинди.

Айтиш жоизки, ушбу йўналиш бўйича таҳсил олаётган талабаларга маҳаллаларда уй-жой қурилишини қай тартибда режалаштириш, кўча бўйларига манзарали дарахтларни экиш ва ёритгичларни қай ҳолда ўрнатиш, шунингдек, аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун баҳаво боғлар барпо этиш усуллари хусусида машғулотлар ўтказилмоқда.

— Бундан ташқари, ушбу йўналишда таҳсил олаётган талабаларга хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг амалий фаолиятини яхшилаш, санитар тозалаш ва маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, ҳудуддаги барча юридик субъектларни маҳалла фуқаролар йиғини атрофида бирлаштириш, фуқароларнинг турмуш тарзини юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш каби лойиҳалар хусусида ҳам дарслар ўтиляпти, — дейди "Коммунал ва маиший хизмат асослари" фани ўқитувчиси Масар Холмуродов. — Шунингдек, талабаларга маҳалла ҳудудида жойлашган муҳандислик қурилмалари ва тармоқлар тизими (ичимлик суви, оқава ва иссиқ сув, газ ҳамда электр таъминоти ва бошқалар), соҳа манбалари ва коммунал технологик иш жараёни назарий ва амалий жиҳатдан ўргатилмоқда. Ҳозирда бир нечта иқтидорли талабаларимиз — А.Умаров, З.Шаропова, К.Исоқова, И.Аҳмедова ва Р.Хубутия, А.Макароваларнинг мустақил изланишлар олиб бориб, кўча бўйларига ёритгичлар ўрнатиш, манзарали дарахтлар ўтқазиш борасида тузган лойиҳалари маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига ҳам маъқул тушмоқда. Ҳатто улар ушбу мутахассислик бўйича таҳсил олаётган талабаларни келажакда ўз ҳудудига ишга жалб этиш истагини билдиришяпти.

МУХБИРИМИЗ

Сурхондарё вилояти

Фармон берган имкон

КУНСУЛУВ МОМО — КАСАНАЧИ

Кунсулув момо — 65 ёшда. Шу ёшда ҳам халқ миллий ҳунармандчилиги — гилам, хуржун, жойнамоз тўқишда анчамунча ҳунармандларга ўрнак бўгулик ғайрат-шижоатга, маҳорату тажрибага эга. Ҳозирда момо неваралари ва келинларини атрофига йиғиб, касаначилик фаолиятини бошлаб юборган.

— Гиламдўзлик билан менинг момоларим ҳам шуғулланишган, — дейди Кунсулув момо Чориева. — Бу — минг йиллик ҳунар. Президентимизнинг Фармони асосида эса бу ҳунаримизни янада кенгроқ ривожлантириш имконияти юзага келди. Ёшлигимда мен тўқиган араби ёпинчиқ — жабдуқлар чавандоз йигитларнинг отига кўрк бериб турар эди. Энди имкониятдан фойдаланиб, тўқимачилик сир-асрорларини фарзандларим, келинларимга ҳам ўргатяпман.

Дарҳақиқат, Денов туманидаги Оловуддин номли маҳаллада момонинг қўлини олиб, касаначиликни кенг ривожлантираётган аёллар ва қизлар кўпчиликни ташкил этади.

— Момонинг Муҳаммадали исмли ўғли бор, — дейди маҳалла оқсоқоли Холмамат Норқобилов. — Унинг маҳалламиз ёшларининг ўқиб, илм-маърифатли бўлиши учун ҳудудимиздаги мактаб қошида ўз ҳисобидан кутубхона ташкил этганига анча вақт бўлди. Ушбу кутубхонани ҳар йили янги китоблар билан бойитиб боряпти. Бундан ташқари, Муҳаммадали Эшназаров қизи Анорага "Анора — Соғлом авлод" номли кичик корхона очиб берди. Бу ерда Анора момоси Кунсулув аядан ўрганган ҳунарини ишга солиб, гилам, хуржун, жойнамоз каби харидоргир маҳсулотлар тўқиб чиқармоқда. Шунингдек, бу кичик корхонада маҳалладаги қиз-жувонлардан бир неча нафари иш билан таъминланди.

МУХБИРИМИЗ

Халқ амалий санъати тарихидан

ҚАБАРИҚ НАҚШЛАР ЖИЛОСИ

Ўзбек халқ амалий санъати қадимдан дунёга маълум ва машҳурдир. Ўтмишдан мерос меъморчилик обидаларидаги нақшинкор эшиклар, айвон устунлари, панжаралар, пештоқлар, лавҳалар, қутича, қаламдон ва бошқа шу каби буюмлар асрлар оша ўз кўринишини, нафислигини йўқотмаган ҳолда бизгача етиб келган. Хусусан, ёғочга бадиий ишлов бериш санъати қадимий маданият ютуқларини ривожлантириш асосида ва халқ ижодиётининг таъсири остида меъморчиликда турли хил тузилишларнинг, ҳажмли шакллар ва нақш-гулларнинг такрорланмас мажмуасини вужудга келтирди.

Ўрта аср меъморлари ва наққошлари иморат қуришда маҳаллий ёғочларнинг энг яхши навларини танлаб, уларга ҳар хил гуллар, ўйма ва бўртма ҳошиялар, карнизлар туширганлар. Масалан, бадавлат кишилар, амалдорларнинг уйлари одатда ўйма нақш-гуллар билан зийнатланган. Уй ичлари эса ёғочдан ишланган нафис жиҳозлар билан безатилган. Сурхондарё вилоятидаги ўрта асрларга оид Юмалоқтепа саройи қолдиқларидан тортиб, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент шаҳарларидаги XIX асрга таллуқли муҳташам биноларгача ҳудудимизда ёғочга нақш ўйиш санъати меъморчилик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келганини кўрсатади.

Ёғоч ўймакорлиги санъатининг асосий хусусиятларидан бири нақшларнинг жимжимадор бўлишидир. Аслини олганда, жимжимадорлик безакнинг энг яхши намунаси бўлиб, у ўзбек халқ санъатига хос услубдир. Ҳақиқатдан ҳам, айвон ва шийпон устунларига, уйларнинг хари ва тўсинларига туширилган ўйма нақшлар шу қадар гулдор ва ҳашамдор қилиб ишланганки, бу биноларнинг кўркига кўрк қўшган. Бино қисмлари орасида, айниқса, эшикка кўпроқ нақш берилган. Дарвозалар, уй эшиклари ва дарчалар хилма-хил нақш-гуллар билан безатилган.

Халқ усталари тажрибаси орқали ёғочга нақш ўйиш санъатининг асосий бадиий ва техник услублари бизгача етиб келган. Тўрт бурчакли, уч бурчакли чизиқлар ва доирачалар шаклида уч қирали қилиб ўйиб ишланган ҳар турли оддий геометрик шакллар ва шунингдек, ясси фондаги ўймалар бағдоди услубига хос. Нисбатан кенг тарқалган бу услуб ёғочга бадиий ишлов беришнинг энг қадимги усулларини мужассамлаштирган бўлиб, жиҳозларнинг ёруғ ва соя тушадиган жойларига мос келадиган нақшлар туширилади. Шунинг учун ҳам усталар, кўпинча, дарвоза ва эшикларни бағдоди услубида ишлашни афзал кўрганлар. Хусусан, икки табақали эшикларга шу услубда нақш солинган.

Ислими ўймакорлик услуби ҳам кенг тарқалган бўлиб, унинг нақш гуллари орасига мос равишда кўпинча фонсиз ўймалар туширилади. Бу услубга хос ифодалилик ўсимликларнинг эгилиб тушган пояси ва шохлари тарзида, ораларига гул-безаклар туширилган чизиқли нақшлар манзарасида аниқ кўриниб туради. Ислими услубининг ҳошия-йўл, панно тарзидаги нақш тузилиши ғоят хилма-хилдир. Тўғри ва ярим доирали исканалар ёрдамида ўймакор уста қабариқ тўр шаклида жуда нафис ва оригинал нақшлар ўяди. Чизиқли нақшларнинг гириҳ деб юритиладиган бошқа бир тури ҳам худди шу усулда бажарилсада, унинг нақшлари мураккаб геометрик чизиқлардан ташкил топади. Хива усталари ўз ижодларида ислими ва гириҳ нақш шаклларини моҳирлик билан уйғунлаштирганлар. Бухородаги қадимги биноларнинг дарвозалари, эшиклари, дарчаларидаги чирмашиб кетган мураккаб, нафис чизиқли нақш-гуллар ҳам ана шу услубда ишланган.



Қўқон ўймакорлари ислими услубида йирик манзарали нақшлар билан нозик қилиб ишланган япроқ-гул тарзидаги безакларни бирга қўшиб ифодалаш анъанасини кенг қўллаганлар. Қўқонда, шунингдек, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида паргори деб аталадиган ўймакорлик услуби ҳам бўлган. Бу услуб оддий уч бурчак ва юмалоқ шакллар асосида жуда хилма-хил усулларга эга. Паргори услубида ясси сиртга туширилади-ган қабариқ нақшларнинг энг аъло намуналари бажарилган. Гарчи, бу каби нақшлар фақат чизиқлардан иборатдек кўринса-да, лекин бунда бой безакдорлик белгилари ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Ўймакорликнинг бу тури оддий турар-жой биноларини қуришда, бино қисмларини пардозлашда қўлланган. Шунингдек, XIX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб Тошкент ва Қўқон усталари ёнғоқ, чинор сингари қимматбаҳо ва қаттиқ ёғочлардан ясалган кўп бурчакли столчалар, курсилар, хонтахталар, зийнатли ҳар хил қутичалар ҳамда бошқа нозик ва гўзал буюмларга паргори услубида нақш солишни кенг қўллаганлар. Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги уста Аюбхўжа ва унинг ўғли уста Тошпўлатлар паргори услубида гўзал санъат асарлари яратганлар. Айниқса, устанинг шогирди Сулаймон Хўжаев томонидан нақш ўйиб ясалган буюмлар заргарона нафислиги билан кишини лол қолдиради. Уста Сулаймон мустаҳкам ёнғоқ ёғочидан ўзи ясаган ўйма нақшли столча ва қуш қафасини 1913 йилда Петербургга — кўлда ишланган буюмлар кўргазмасига юбориб, диплом ҳамда "Фойдали меҳнати учун" бронза нишони билан тақдирланган. У 1932 йилда ўзбек усталари ичида биринчи бўлиб "Меҳнат қаҳрамони" деган шарафли унвонга сазовор бўлган эди.

Ислими услубининг ясси-қабариқ тури хилма-хил гажак-гуллар, бир маромда ҳар тарафга чўзилиб кетган нозик таноблар, ўсимлик шохчалари, барглари ва гуллари тасвирланган ҳар турли жуда нафис шаклларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсуд Қосимов асарлари шу тур ўймакорлик санъатининг энг сара намуналари ҳисобланади. Муқимий номидаги театр биносининг учта катта дарвозаси ва эшиклари уста Мақсуд ҳамда шогирдлари ижоди маҳсулидир.

Абдумутал Турсунбоев, Абдуҳафиз Жалилов, Турсунбой Исмоилов, Саидазим Исмоилов, Акбар Азимов, Насриддин Зиёқориев, Зокир Иброҳимов, Ҳожи Қосимов, Мадали Хўжаев, Тошпўлат Аюбхўжаев сингари усталар XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг 80-йилларигача бир неча бор Жаҳон амалий санъат кўргазмаларида қатнашиб, олтин, кумуш, бронза нишонлари, фахрий ёрлиқ ҳамда дипломлар билан тақдирланган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда атрофдаги кишилар ва оила аъзоларингиз хатти-ҳаракати сизда норозилик кайфиятини уйғотиши мумкин. Аммо бундан муаммо келтириб чиқарманг.

СИГИР(22.04-20.05)

Айни кунларда режаларингизни амалга оширишга жиддий киришсангиз, шахсий ҳаётингизда юзага келадиган муаммоларнинг олдини оласиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Молиявий муаммолар ечимини топиш учун шу кунларда анча изланишингизга тўғри келади. Бу борада босиқлик билан иш тутинг.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Яқин кунларда кўпгина янги танишлар орттирасиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-онангиз ҳолидан тез-тез хабар олиб туришга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Агар кредит ёки маъмурий идоралар билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса, уларни яқин кунларда амалга оширганингиз маъқул. Шанбада сафарга чиқишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Мазкур бурж вакиллари учун бу ҳафта янги иш бошлаш учун жуда қулай келиши мумкин. Пайшанба қизиқарли воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда яқинларингиз ва атрофингиздаги кишилар билан келишмовчиликлар юзага келган бўлса, уларни бартараф этишга шошилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ўзингизга бўлган ишонч туйғусини йўқотмасликка интилинг. Чунки ҳар қандай ишни амалга оширишда инсон аввало ўз кучига, таяниши керак.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда сиз ва оила аъзоларингиз ҳаёти учун муҳим бўлган янгилик кутилмоқда. Ўз салоҳиятингизни кўрсатиш фурсати етди.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ишингизга берилиб, айни кунларда уй юмушларини эсдан чиқариб қўйманг. Ахир ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақти бор.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Шахсий ҳаётингизда бирмунча ўзгаришлар юз бериши мумкин. Ҳар қандай масала ечимида шошқалоқликка йўл қўймаганингиз маъқул.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Атрофдагилар фикрини эшитишни ўрганишга ҳаракат қилинг. Айниқса, оила аъзоларингизга эътиборлироқ бўлишни унутманг.

Донолар бисотидан

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Не тонгки, ҳар қандай одам қанча қўйи борлигини ҳеч бир қийинчиликсиз айта олади-ю, лекин ҳамма ҳам нечта дўсти борлигини санаб беролмайди. Наҳотки, дўстлар шунчалик қадрсиз бўлса?

ДЕМОКРИТ

* * *

Агар душманингиз бўлса-ю, сиз ундан нафратлансангиз, у ҳолда унга роҳат-фароғат, улуғворлик, кўплаб ёш ва гўзал маъшуқалар, туганмас бойлик, чексиз ҳокимият тиланг. Ана шунда унинг кулфатларга кўмилиб қандай ҳалок бўлишини кўрасиз.

ЖАН БАТИСТ РЕНЕ

* * *

Ошна-оғайнилари мўл одамнинг дўсти бўлмайди.

АРАСТУ

* * *

Дўст учун ўзни ҳар куни ва пинҳона қурбон қилмоқ муайян бир вазиятда унинг учун жон фидо этмоқликдан аълороқдир.

СТЕНДАЛЬ



Наманган вилояти

Наманган шаҳридаги Ирвадон маҳалласилик моҳир рассом Ҳайдар Усмонов кўпчиликка таниш ва машҳур қаламкаш санъаткор Раҳим Аҳмедовнинг севимли шогирдларидан. У ўзи яратган бетакрор ижод намуналари билан кўпгина миллий ва халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, муносиб тақдирланган. Рассом айниқса табиат манзараларини маҳорат билан акс эттиради.

СУРАТДА: *рассом Ҳ.Усмонов ижодий изланишда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Эҳтиёткорлик — шарт!

ТОЛАГА ЎТ ТУШМАСИН!

пахта ҳосилини ёнғиндан асраш ҳар биримиздан масъулият талаб этади

Деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнати эвазига пахта хомашёси етиштиришда эришган ютуқларимиз кўлами йилдан йилга ортиб бормоқда. Шу боис, жорий йилда ҳам пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан хирмонларга етказиш, уни қуритиш ва қайта ишлаш каби жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳамиз ходимлари зиммасига каттта масъулият юклайди.

Айни пайтда жойларда пахта териш ва ташишга жалб этилаётган техника воситаларининг техник созлигини текшириш, йиғим-теримга отланган ҳашарчилар жойлашган вақтинчалик турар-жойларни назоратдан четда қолдирмаслик, пахта юклаш, бунт бузиш каби кичик механизмлар ҳамда электр симларининг носозлиги туфайли ёнғин келиб чиқиши ҳолларининг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мавсум олдидан "Ўзпахтасаноат" уюшмасига қарашли пахта тозалаш ва қабул қилиш пунктларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилганда уларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозланганига амин бўлдик. Афсуски, ҳамма жойда ҳам ушбу талабларга бир хилда риоя қилиняпти, деб бўлмайди.

Эскирган, махсус текширувдан ўтказилмаган электр симлари, кабеллардан фойдаланиш, пахта ғарамларини титиш учун мослаштирилган РБД механизми тишларининг учи (фреза қозиқлари) учқун чиқармайдиган рангли металлдан ишланган бўлмаса ва шу каби бир қарашда арзимасдек кўринган сабаблар туфайли ҳам кўз очиб юмгунча катта ёнғин чиқиб, пахтани кулга айлантириши ҳеч гап эмас.

Ҳа, оқ олтин хирмонларидаги пахтанинг ҳар бир толаси миришкор деҳқонларимиз, фермеру меҳнаткашларимизнинг пешона тери маҳсули. Шу боис, йиғим-терим мавсумида биринчи галда нафақат ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга, балки хирмонларда уюлган оқ олтинимизни кўз қорачиғидек асрашга ҳам жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Улуғбек ВАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХТГ муҳандиси,
катта лейтенант.

Жаҳдари ҳикоятлар

ЎЗБЕКНИНГ СЎЗИ – КЕСКИР

Иккинчи жаҳон уруши туфайли отамиздан эрта айрилганмиз. Эндигина 28 ёшга кирган онажонимиз уч гўдак билан ёлғиз қолганлар. Улар узун қиш тунлари урчуқда ип йигириб, бизни зериктирмаслик учун ибратли ҳикоятлар, ривоят, топишмоқ, эртак ва мақоллар айтиб берардилар. Онажонимдан эшитган ва ҳали-ҳануз хотирамда сақланиб қолган ҳикоятлардан баъзиларини газетхонлар билан баҳам кўрмоқчиман.

ЗУККО КЕЛИН

Халқимизда қадимдан қолган бир удум бор. Янги тушган келин куёвнинг яқинларига ҳурмат ифодаси сифатида уларнинг исмини айтиб чақирмайди. Аниқроғи, уларга ўзи бошқа исм қўйиб олади.

Бир хонадонга тушган келинчакнинг шўх-шаддод қайинсинглиси бор экан. У янгасини нафақат хонадон аъзоларининг, балки буюм ва жониворларнинг ҳам номини айтиб чақирмаслик ҳақида огоҳлантирибди. Кунларнинг бирида сув келтиргани ариқ бўйига борган келинчак қўйларидан бирига бўри ҳужум қилаётганига кўзи тушибди ва овози борича додлабди. Бўри қочиб кетибди. Тезда жониворни ҳалоллаб олиш зарурлигини англаган келин уй томон югуриб бораётиб қайинсинглисига қичқирибди: "Шилдираманинг олдида, пилдираманинг ёнида, манграмани еб кетди, пих-пихни олиб, келинг, она қиз". Қисқаси, зукко келин сув, қўй, пичоқ сўзларини тилга олмай ва қайинсинглисини исми билан атамай фикрини тушунтира олибди.

ТАННОЗГА ТАНБЕҲ

Қадим замонда бир қишлоқлик киши ўғлини орзу-ҳавас билан шаҳарлик қизга уйлантирибди. Келинчак умрида қўй, сигир, от ва туяларни кўрмаган экан.

Жониворларни кўриши билан: "Вой-вуй, бақ-бақалари бор экан. Вой, маврамалари бор экан", деганча уйга қочиб кириб кетар экан. Кунларнинг бирида келиннинг ота-онаси қизини кўргани келишибди. Шунда қудалари уларни: "Келисопни қиз қилиб уйга солган, қудағай, келинг. Тоштовоқни тахтай қилиб юпқа ёйган, қудағай, келинг. Қумурсқани қўй қилиб қирга ёйган, қудағай, келинг. Халачўпни от қилиб улоқ чопган, қудағай, келинг", деб кутиб олган экан.

Эшмамат АБРАЕВ,
меҳнат фахрийси.

Хизматлар лицензияланган

РАМАЗОН ОЙИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН !!!

SMS - РАМАЗОН

RAMAZON КОДИНИ

33339 га юборинг

ва Рамазон ойи тугагунига қадар ҳар куни саҳарлик ва ифторлик вақтларини телефонда қабул қилинг

БАРЧА КИРУВЧИ СМСЛАР БЕПУЛДИР

Мазкур хизматлар "Билайн" ва "Perfectum Mobile"

Рамазон ойлик обуна нархи 1,5 $ НДС билан.
Тулов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича
Технik қўллаб – қувватлаш телефон рақами: (99871) 152 – 29 – 74

Ғаройиботлар олами

ҚЎЙ БОШЛИ БУЗОҚ

АҚШнинг Калифорния штатидаги чорвачилик фермаларидан бирида ана шундай бузоқ туғилди

Буни қарангки, бузоқнинг боши иккита бўлишига қарамай, бўйни умумий экан. Шунингдек, кўзи тўртта, қулоғи, бурни ва оғзи эса иккитадан.

Бу ғайритабиий бузоққа Блинки деб ном беришди. Ферма эгаси Грег Хамстранинг айтишича, бузоқ бир вақтнинг ўзида тўртала кўзини ҳам пирпирата олади. Шунингдек, бирйўла иккита шишадан сут ичади.

"Fresno Bee" нашрининг хабар беришича, ғаройиб бузоқни томоша қилиш учун яқин атрофдан кўплаб одамлар келишмоқда ва бундай ғаройиб ҳайвонни кўриб ҳайратланишяпти. Ҳатто Блинкини кўздан кечирган ветеринар ҳам 20 йиллик фаолияти давомида илк бор икки бошли ҳайвоннинг тирик туғилганига гувоҳ бўлаётганини айтган.

Лекин тахминларга кўра, Блинки узоқ яшай олмайди. Сабаби, унинг организми жуда қувватсиз ва нозик бўлиб, турли бактерияларга қарши курашиш имкониятига эга эмас. Шунга қарамай, ферма эгаси бу бузоқ қанча вақт яшамасин, уни ўзи парвариш қилишини билдирган. Мабодо Блинки ўлиб қолгудек бўлса, шундан сўнггина унинг танасини бирорта илмий ташкилотга тадқиқот учун топшириш режаси борлигини айтган.

ООО "NURONIY MOMIQ" (ИНН 203284938), почтовый адрес: г.Ташкент ул. Паркентская 327А, зарегистрирован Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Хамзинского района г.Ташкента 06.04.2007 г. № 001316-07, решением собрания учредителей от 06.09.2007 г. ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел: 196-02-40, 196-45-42.

Турсунбаев Тохир Абдуманнапович номига Тошкент Ахборот Технологиялари университети томонидан 2005 йилда берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Муҳаббатхон!

Сизни 50 ёшингиз билан муборакбод этаман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик ҳамда халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлидаги хайрли ишларингизда ғайрат шижоат тилайман.

Гулчеҳра

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 12 сентябрь 37 (587)

11168 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-820 Топширилди — 23.15
1 2 3 4 5 6